Бу кун ўзбек адабиётига яна янги бир тўн кийгизилди, Чўлпоннинг «Булоклар» отлик янги бир шеърлар тўплами босилиб чикди.
Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги рухи, холи, сезгиси «Булоклар»да кайнайдир. Ўзбек тили, ўзбек оханги «Булоклар»да сайрайдир, ўкуйдир. Ўзбекнинг рухий тўлкинлари бунда кўпурадир, кўклар томон учадир, кўтариладир. «Булоклар»да ўзбек сезгиси инглайдир, сизлайдир, титрайдир. Шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбекнинг рухидан, жонидан биткандир, унинг баданини асрамок, кўрумок учун ўз багрига боскондир.
Ўзбек янги шеърларининг охангсиз бўлишини уёлмайин сўйлайтургон огизларга «Булоклар» туфурадир. Ўзбек адабиётига тил тегдирмакчи бўлгон машхур «нодонлар»га бу «Булоклар» куладир.
Шоир «Амалнинг ўлуми» деган парчасида:

Кўнглимда йиглагон малаклар кимлар,
Шаркнинг оналари, жувонларими?
Каршимда инглаган бу жонлар кимлар,
Куллар ўлкасининг инсонларими? —

деб, шу кискагина парчанинг ўзидагина канча шеърият, канча оханг уйдиргондир, шунинг билан бирга юртнинг дардини, кулларининг инглаган жонлар бўлишини, кўнглида йиглагон малакларнинг шаркнинг оналари, жувонларидан иборат эканини канча очик, муассир ва эъжоз билан тасвир этадир.
Мана иккинчи бандида элининг умидларини эскартиб:

Кенг хаёллар учдими кўкка,
Бутун умидларин ёвларми кўмди, —

деб шарк халкларининг абадий асирликка кирганлигига ишонмагонини кўрсатиб, ўзининг «хаёлида порлагон» шамнинг ўчишига шубхалик сўроги билан айтадир:

Мангу туткунликка кирдими ўлка?
Хаёлда порлагон шамларми сўнди?

Яна бошка бир сахифасини очдим. Хали ўз адабиётининг борлик-йўклиги шубхалик бўлгонларнинг «назарият адабия»ларига, узоклардан мисолларни англамай олгонларга, «олий хислар» учун хали кўб йиллар мисол бўлишга арзийдургон:

Оч ахир, очгилким кўксингни:
Бир нафас ўзимни унутай;
Унутмок бутунлай «ўзлик»ни,
Ох, шундан нажотни мен топай, -

деган шу парча кўзимга тушди ва кўр виждонларга лаънатлар ўкудим.
60 сахифага молик бўлгон бу асар «Шарк учун, Сезгилар, Севги, Кора йўллар, Кор

кўйнида» унвонлари остида бўлимларга айрилгон 26 парчадан иборатдир.
Асар чиройлик ва нафис бошлангон. Ўзбек шоирини бу муваффакияти билан табрик этамиз ва адабиёт суйгучиларига такдим киламиз.

Бу макола шоир тўпламига ёзилган такриздир. Макола-такриз «Туркистон» газетасининг 1923 йил 10 декабр сонида эълон этилган.